Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 16 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 70 (7067)

Da'vat

Ҳар бир дақиқани чуқур мазмун билан бойита олган киши ўз умрини чексиз узайтирган бўлади.

И.КУРЦ

Ibrat

Ҳиндистонда болалар расмлари ва ёзма ишлари бўйича халқаро танлов бўлиб ўтди. 15 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар иштирок этадиган мазкур курикда Пскент туманидаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Максим Юн ҳам ўзи чизган расмлар билан иштирок этиб, танловнинг махсус нишони ва Фахрий ёрлиғини олишга муваффақ бўлди.

JUMLADA JAHON

• «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Куролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

• Мамлакатимизда илк бор Халқаро мусиқа куни арафасида бўлиб ўтадиган (22-27 сентябрь кунлари) халқаро симфоник мусиқа фестивалида жаҳоннинг йигирма саккиз мамлакатидан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

• Америкадаги Халқаро тадқиқотлар институти Кенгашининг қарори билан машҳур ўзбек невропатологи, академик Наби Мажидовга «1998 йил одами» фахрли юксак унвон берилди.

• Россия Федерацияси ҳукуматининг Бош вазири қилиб сайланган Евгений Примаков мамлакатдаги ислоҳотларни давом эттириб, ишни янги ишчи ўринларини ташкил этиш ва ойлик маошларни ўз вақтида тўлашни йўлга қўйишдан бошлаяжагини таъкидлади.

• Македониянинг Кривалан полигонида НАТО томонидан ўтказилаётган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури асосидаги машқларда Озарбайжон, Грузия, Латвия, Молдавия, Эстония ва Украина ҳарбий хизматчилари ҳам қатнашмоқда.

• Лотин Америкасидаги коррупция энг кенг тарқалган мамлакат – Колумбия Президенти Андрес Пастрана давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашувчи сараланган бўлинма тузишга қарор қилди.

O'zbekiston — Isroil

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ИСРОИЛГА ТАШРИФИ

14 сентябрдан Ўзбекис-тон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи бошланди. Ташриф олдидан Ислом Каримов Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача инвервью бериб, жумладан шундай деди:

— Исроил гарчи ҳудуди жиҳатидан кичик давлат бўлса-да, саноат, илм-фан, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича жаҳондаги тараққий этган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Исроил билан ҳар томонлама муносабатларнинг ривожланиши Ўзбекистон учун катта фойда келтириши мумкин. Масалан, пахтачилик соҳасида ҳамкорлик қилишнинг фойдали жиҳатларини олиб кўрайлик. Юртимизда ҳар гектар пахта майдонидан 27-28 центнердан ҳосил олинади. Исроилда эса бу кўрсаткич 70 центнерга яқин. Кўриниб турибдики, биз бу борада ҳамкорлик қилсак, асло ютқазмаймиз. Шунингдек, электроника, автоматлаштириш, кимё, юксак технология соҳасида Исроил эришган ютуқлар Ўзбекистонда ҳам татбиқ этилса, яъни шу асосда узаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, юртимизнинг эртанги кунини яратишда катта муваффақиятларга эришиш мумкин.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағон қилинган 250 мингдан ортиқ яҳудийни ўз бағрига олиб, улар

билан сўнгги бурда нонини баҳам кўрган. Шунинг учун уларнинг бугунги кунда Исроилда яшаётган авлодларининг Ўзбекистонга ҳурмати баланд. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири бўлади.

Исроилга ташриф буюрган давлатимиз Президентини Исроил давлати Президенти қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Унда икки давлат Президентлари қисқача нутқ сўзладилар. Мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида Исроил давлати бош вазири Бенямин Нетаняху ҳам ҳозир бўлди.

Ислом Каримов Қуддус шаҳрида иккинчи жаҳон урушида қатлиом этилган яҳудийлар хотираси учун тикланган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроил савдо ва саноат вазири Н.Сперанскийни қабул қилди. Учрашувда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан узаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман ўртасида бўлиб ўтган учрашув халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар, минтақавий хавфсизлик, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар истиқболи билан боғлиқ масалалар хусусида бўлди.

Оқшом Исроил давлати Президенти Эзер Вейцман Узбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирди.

Ташрифнинг иккинчи куни «Шоҳ Довуд» қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.Унда қишлоқ хўжалиги, кимё, техника ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик борасида ишга солинмаган имкониятлар кўп эканлиги таъкидланди. Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов ва Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняху ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда икки давлат ўртасидаги алоқалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунига етгач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки томонлама солиқ солмаслик, фойда ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда бошқа бир нечта ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Маросимдан сўнг ўтказилган матбуот конференциясида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Бенямин Нетаняху журналистлар саволларига жавоб қайтарди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Фаластин Мухториятининг Рамаллоҳ шаҳрида Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арофат билан учрашди.

Шу куни Ислом Каримов «Шоҳ Довуд» қароргоҳида Исроил Меҳнат партияси етакчиларидан бири — Шимон Пересни қабул қилди.

Оқшом мамлакатимиз раҳбари Исроилдаги Бухоро яҳудийлари жамияти вакиллари билан учрашди. Президент Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Иқтисодий ёш дафтарига

ЯНГИ НАВ

Барча жабҳада бўлгани каби инсоният зироат илмида ҳам тинимсиз изланиб, маълум натижаларга эришмоқда. Бу борадаги сўнгги янгиликлардан бири шул: хитойлик полизчи олимлар уруғсиз энг катта узум навини яратишга муваффақ бўлдилар.

ТАНАФФУСДА ЧОЙ ИЧИНГ

Сянган дорилфунуни профессори Чен Чженью ўз тадқиқотлари натижаси ўлароқ, кўк чой инсон жисми учун фойдали эканлигини яна бир бор инкор қилиш қийин бўлган далиллар билан исботлади. Олимнинг таъкидлашича, кўк чой физиологик жараёнларни тартибга солиб, қаришни секинлаштиради ҳамда баданнинг касалликка қаршилигини, шунингдек, аксилканцероген, аксилантимутаген хусусиятларни кучайтиради.

НОМАЪЛУМ ШАҲАР ХАРИТАСИ

Римдаги ҳаммомлардан бирининг деворида ўйиб ишланган харита топилди. Яна бир янгилик шуки, бундан икки минг йил муқаддам чизилгани тахмин қилинаётган мазкур харитадаги уйлар сувда акс этарди. Тарихчилар ҳозирча бу харита жумбоғини ва унда қандай шаҳар акс эттирилганлигини талқин қила олганларича йўқ.

ҚИЗИҚУВЧАН БОЛАЛАР

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, тўрт яшар бола ҳар куни ўн икки минг сўзни тилга олади ва ўзича тўққиз юз йигирматагача савол тузади. Хўш, бунча саволга ким жавоб беради, деб ўйлайсиз? «Албатта ота-оналар, - дейишмоқда олимлар, - фақат бунинг учун улар ҳам кўп ўқишлари керак.»

ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИНИНГ ДОВРУҒИ

Бу спорт тури, хусусан Президент кубоги эсланганда, тилга олинганда ЎЗБЕКИСТОН сўзи, каломи қайта-қайта такрорланадиган бўлиб қолди. Чунки катта теннис Ўзбекистонда мисли кўрилмаган тезликда ривожланмоқда. Бу теннис мутахассислари, ўйинчиларнинг фикри. Ташкилий жиҳатларию кортларнинг даражаси, ўйинчиларни қабул қиладиган меҳмонхоналаримизни айтасизми, уларнинг ҳеч бири теннис ривожланган давлатлардан қолишмайди. Буни ҳам мутахассису ўйинчилар эътироф этишди.

Мана «Президент кубоги»нинг бешинчи турнири ҳам бошланди. «Юнусобод» спорт мажмуидаги очилиш маросимида мамлакатимиз Бош вазири Ўткир Султонов қатнашиб, теннис қисқа муддатда ўзбекистонликларнинг меҳрини қозонганлигини таъкидлади. Энг қувончлиси, катта теннис нафақат шаҳарларимизда, балки қишлоқларимизда ҳам кенг тарқалмоқда.

Ҳақиқатан ҳам катта теннис жуда гўзал ўйин. Қолаверса, унинг соғлиққа фойдаси жуда катта. «Президент кубоги»нинг фидойиларидан бири Сассон Какшури Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу спорт турини ривожлантириш, кенг ёйишни тарғиб қилаётгани бежиз эмаслигини, бу ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб ўсишларига қаратилганлигини ботбот такрорлади. Қўлингизга ракетка олиб, кортда ярим соат ўйнаб кўрсангиз бу гўзал ўйиннинг барча афзалликларини ўз танингизда синаб кўрасиз.

Бу йилги халқаро турнаримизда ҳам дунёнинг энг кучли ўйинчилари ташриф буюрдилар. Ўтган йилги мусобақа ғолиби Тим Хенман, финал иштирокчиси Марк Россе, Россиянинг биринчи, дунёнинг 11-ракеткаси Евгений Кафельников, дунёнинг 17-ракеткаси Седрик Пиолин каби қатор машҳур теннисчилар ғолиблик учун кортга тушдилар. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этдилар.

Ҳ. ОМОНОВ

«Президент кубоги» учун бўлиб ўтаётган халқаро теннис мусобақаси ҳақидаги мақолаларни 4-бетда ўқийсиз.

МАКТАБЛАРДА НИМАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК? 2-бет

ГУРЛАНДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни Хоразмда ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Янги ўқув йилида Гурлан туманида енгил саноат коллежи очилди.

Шуни айтиш лозимки, Президентимизнинг ғамхўрлиги натижасида ушбу коллежни жиҳозлаш мақсадида 10 миллион сўмлик замонавий ўқув компьютерлари, техникавий анжомлар, стол-стуллар, лингофон кабинетлари, кутубхона учун зарур нарсалар олиб келинди.

Собиқ ҳунар билим юрти биносини қайта таъмирлаб, коллеж учун мослаштириш ишларига эса 48.1 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Коллеж 8.5 гектар майдонга жойлашган бўлиб, талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча қулай шароитлар мавжуд.

Гурлан енгил саноат коллежи учта йўналиш бўйича яъни, тўқувчилик технологияси, тикувчилик технологияси, енгил саноатда молия соҳасида ишловчи 8 хил мутахассис тайёрлайди.

—Бу йил коллежимизга кириш учун 500 ўғилқиздан ариза тушганди. Шулардан 200 нафарини тест синови асосида талабаликка қабул қилдик, — дейди биз билан суҳбатда янги билим маскани директори, техника фанлари номзоди, доцент Мақсуд Жуманиёзов. - Ҳар бир мутахассислик бўйича 25 талаба таҳсил олмоқда. Дарс бериш учун Урганч Давлат университети профессор-ўқитувчиларидан 30 нафари жалб этилди. Улар аввало аттестациядан ўтказилди. Бу ишни Урганч Давлат университети амалга оширди. Аттестациядан ўтган кадрлар эса Бухоро енгил саноат институтида бир ҳафталик малака ошириш курсларидан ўтиб, сертификат олиб қайтишди. Демак, ишларимиз юришиб кетиши учун асос яратилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз

ЎҚУВЧИНГИЗ БЎШ ЎЗЛАШТИРСА... 3-бет

Yangicha usul

ДИҚҚАТ! МАКТАБ РАДИОТАРМОҒИДАН ГАПИРАМИЗ!

«Эртага қўшиқ айтаман. Ҳаётимда биринчи марта. Тўғрироғи, биринчи марта мен айтадиган қўшиқнинг хоҳлайманми-йўқми тингловчиси бўлади. Менга тинчлик бермаётган бу ҳукм ҳалитдан шууримда титроқ уйғотаяпти: Қўшиқ тингловчиларга ёқармикан? Барибир яхши бўлди. Синовдан ўтадиган бўлдим-да».

Бу ўйлар анча йиллар олдин, эсда қоларли бир воқеа сабаб ҳаёлимда содир бўлганди. Ушанда кўплаб ўқувчилар қатори менинг ҳам мактабимиз радиотармоғидан қўшиқ айтишим керак бўлиб қолди. Мактабники бўлсаям, бизлар, яъни ўқувчилар учун ўша пайтларда у «радио» тармоқ эди. Радио деган номи бор эди. Энг муҳими, ўша кун мен чинданам синалганман. Ижроим бошқаларни билмадиму, ўзимга ёқмаган ва мендан қўшиқчи чиқмаслигига амин бўлганман. Афсуски, радиомиз бор-йўғи 1 йилча фаолият кўрсатди, холос.

Шу туфайлими, назаримда, мактаб радиотармоғи ўқувчилардаги қўшиқчилик, нотиқлик, қолаверса, ўз сўзини, ўз фикрини, муносабатини билдиришдаги асосий минбар вазифасини ўтайдигандек туюлади менга.

Қолаверса, ҳар бир инсон қалбидан болалигидаёқ жой олиши лозим бўлган ўз ватанига содиқлик, унинг равнақи учун фидойилик каби хислатларни ўқувчилар онгига, шуурига сингдиришда ҳам радиотармоқ муҳим бир восита бўлиб хизмат қилади.

Агар қизиқиш қобилият билан уйғунлашганларга радиотармоғимиз дурустгина ижодий мактаб ролини ўтагани аниқ. Ҳамма нарса оддийликдан бошланганидек, илк қуникма ҳосил қилингандан кейин катта саҳналарда ҳам тортинмасдан, ўз санъатини намойиш этиш осон-да.

Шу сабаблимикин, йўлим тушган мактаб ва бошқа таълим масканларида радиотармоқ бор-йўқлиги билан беихтиёр қизиқаман. Лекин йўқ... йўқ...

Ҳеч учратолмаганимдан бу нарса ҳам йўқликка айланиб кетибди-да, деб ўзимча хулоса чиқариб қўйгандим. Лекин шошилган эканман.

Ҳамза номидаги Шаҳрисабз педагогика билим юртида радиотармоқ бор экан. У ерда «Ёш маърифатчи» радиостудияси эшиттиришлар олиб боради. Билим юрти директори Маҳмуд Маматовнинг эътироф этишича, радиостудия, аввало, талабалар учун зарур ахборот марказига айланган. Талабалар билим юртининг қўлга киритаётган ютуқ ва камчиликлари ҳақида, таълим соҳаси янгиликлари билан ўз вақтида танишиб боради. Радиостудия туфайли улар бўш вақтларини анча сермазмун ўтказишяпти. Қилса бўлар эканку, деган ишонч мени радиотармоқнинг қандай ташкил этилганлиги билан қизиқтирди. Маҳмуд аканинг айтишича, бу ишлар ҳам қийин иш эмас экан. Ўзгина ташаббус кўрсатилса, бас, қизиқувчан, истеъдодли ёшлар қолганларини ўзлари эплаб кетишаверади.

Рустам БОЙМАТОВ

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК БЎЛМАЙДИ

Тошкентда ўзбек халқи ва давлатчилигимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганишнинг долзарб муаммоларига бағишланган икки ҳафталик илмий-амалий семинар бўлди. Семинарни Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида уюштирди. Анжуманда республика олий ўқув юртларидаги Узбекистон тарихи кафедралари мудирлари ва ўқитувчилари иштирок этди.

Республикамизнинг етакчи тарихчи-олимлари – Фанлар академиясининг мухбир аъзоси У.Исломов, Фанлар академияси Тарих институти директори М.Исҳоқов, профессорлар Б.Қосимов, А.Саъдуллаев, К.Усмонов ва бошқалар тингловчиларга туркум лекциялар ўқиди. Анжуманда ёш авлодни Узбекистоннинг бой ва серқирра тарихи асосида тарбиялаш энг муҳим вазифа экани таъкидланди. Ёшларнинг онги эски мафкуравий қолиплардан холи бўлиб, мустақиллик тамойиллари асосида шаклланиши лозим. Бунинг учун ўқувчиларга узбек халқининг ўтмиши, ўзбек давлатчилиги барпо этилишининг жараёнлари ҳақида ҳаққоний маълумот берилиши зарур.

Олий таълим вазирлиги мутахассислари бу мавзу бўйича замон талабларига жавоб берадиган янги ўқув дастури лойиҳасини тайёрлаган. Узбекистон тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш режалаштирилган. Бу ишга Академия институтлари олимларигина эмас, республика олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳам жалб этилади. Шунингдек, бу йўналишда иш олиб бораётган етакчи хорижий илмий марказлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тингловчилар семинарда олган билимлар уларга олий ўқув юртларида талабаларга 1 октябрдан бошлаб мамлакатимиз тарихини тарих фанига замон талаблари асосида ёндашган ҳолда ўргатиш имконини беради. Бунга қадар республика олий ўқув юртлари тарих ўқитувчилари учун худди шундай яна бир семинар ўтказилади.

Семинарда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири

ХАБАРЛАРИ — MMM

O'ZARO TAJRIBA ALMASHDILAR

Samarqand viloyat hokimligi O'MKHT hududiy boshqarmasi pedagogik xodimlarining kengashi bo'lib o'tdi. Kengash ishtirokchilari huquqshunoslik, tarix, chet tili seksiyalarida o'zaro tajriba almashdilar. Yig'ilishni Oliy Majlis deputati, shahar hokimi Aziz Nosirov boshqardi.

E.MAHMUDOV

TO'GARAKLAR ISH BOSHLADI

An'anaga muvofiq, Respublika texnik ijodiyot markazi qoshida o'quvchi yoshlarni kasb-hunarga yo'naltirish maqsadida turli texnik to'garaklar ish boshladi. Shu munosabat bilan o'tkazilgan ommaviy o'quvchilar bayramida xalq ta'limi vazirining birinchi o'rinbosari Y.Saidjonov ishtirok etdi.

D.MUSAMUHAMEDOVA

PORLOQ KELAJAK SARI

Farg'ona viloyatining qator shahar va tumanlarida yangi o'quv yilini yuksak talabchanlikda boshlashga da'vat etuvchi avgust kengashlarining ta'siri cesilarli bo'lmoqda. Bu o'quv muassasalaridagi yosh pedagoglarga va o'quv jarayonlaridagi sifat va samaraga bo'lgan munosabatda namoyon bo'lmoqda.

A.HAYDAROV

YANGI KOLLEJ OCHILDI

Ushbu o'quv yilida Asaka tibbiyot kolleji tashkil etilib, 150 nafar iqtidorli talabalar qabul qilindilar. Ular 3 ta mutaxassislik bo'yicha bilim oladilar. O'zDEU avto qo'shma korxonasi yangi kollejni zamonaviy jihozlar bilan ta'minlashda homiylik qilmoqda.

SH.KELDIYEV

MMM — XABARLARI

«MONIKA» TUHFASI

Bo'stonliq tunanidagi 5-maktab jamoasi yangi o'quv yilida ajoyib sovg'ani qabul qilib oldilar. «Monika» firmasi quruvchilari 160 o'rinli qo'shimcha yangi o'quv binosini o'quv yili boshida foydalanishga topshirdilar.

N.USMONOV

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР НИМА?

ёхуд уларнинг профилактикаси хусусида

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида вирусли гепатитлар кўплаб қайд қилинмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу хасталикларнинг беш хил тури маълум: вирусли А, В, С,Д ва Е гепатитлари. Вирусли А ва Е гепатитлари учун оғиз (орал) орқали касалликнинг юқиши хос бўлса, вирусли В, С, Д лар учун эса хасталикнинг парантерал (оғиз орқали эмас) юқиши характерлидир.

Вирусли гепатитларда касаллик манбаи фақат одам ҳисобланади. Касаллик ўткир ёки сурункали кечиб, енгил, ўртача оғирликда ва оғир ўтади. Касалликнинг кечишида бир неча давр тафовут қилинади: яширин, сариқлик олди, сариқлик ва соғломлашиш. Вирусли А гепатитида яширин давр 15—45 кунгача давом этса, В гепатитида эса ушбу давр 180 кунгача чўзилади. Сариқлик олди даврида беморлар тана ҳароратининг кўтарилиши, иштаҳанинг пасайиши, шамоллаш аломатларининг пайдо бўлиши, кўнгил айнаш, қусиш, қоринда, бўғимларда, мушакларда оғриқ сезиш каби шикоятларни қиладилар. Ушбу даврда беморлар касалликни жуда юқтирувчан бўлиб, теварак-атрофдагилар учун катта хавф туғдирадилар. Одатда ушбу давр 5-7 кун мобайнида давом этади. Сариқлик пайдо бўлиши билан касаллик сабабчиси бўлмиш вирусннинг ажралиши тўхтайди ёки тезда камаяди ва беморлар атрофидагилар учун катта хавф туғдирмайди. Сариқлик даврида беморнинг териси ва кўз оқи сарғиш тусга киради, пешоби қизариб, ахлати оқаради. Баъзи бир беморлар бу даврда тери қичиши, қоринда оғриқ сезиш каби шикоятларни қиладилар. Сариқлик даври касаллик кечиш оғирлигига қараб 2—3 ҳафта давом этгач, бемор аста-секин соғая бошлайди. Айрим беморларда хасталик белгисиз (сариқсиз) кечади ва улар касаллик манбаи сифатида айниқса, хавфли ҳисобланадилар.

Вирусли А гепатити болалар инфекцияси деб ҳам аталиб, касаллик айниқса, боғча ёшдаги болалар орасида кўплаб қайд қилинади. Мактаб ёшидаги болалар, ўсмирлар кейинги ўринни эгаллайдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, касалликнинг юқиши оғиз орқали рўй беради. Хасталикнинг тарқалиш омилларига сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, ифлосланган қўллар ва ҳар куни ишлатиладиган буюмлар киради. Болалар ва бошқа аҳоли гуруҳлари орасида қўзғатувчининг узатилишида мулоқот асосий ўрин тутади. Инфекциянинг тарқалишига зичлик, болалар муассасаларида гуруҳларни алоҳидалаб қўйиш қоидасига риоя қилмаслик, «терма гуруҳлар» ва куни узайтирилган гуруҳлар тузиш, санитария ва эпидемиологик чоралар тартибининг бузилиши, беморни аниқлаш ва ажратиб қўйишнинг кечиктирилишига сабаб бўлади.

Сув орқали касаллик юқишида сифатсиз ичимлик сувидан фойдаланиш етакчи ўрин эгаллайди. Озиқ-овқат корхоналари, умумий овқатланиш ва савдо-сотиқ корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари вирус билан ифлосланганда вирусли А гепатитининг аниқланмаган шакли ушбу ташкилотларда хизмат қилувчи ходимлар орасида улар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаган ҳолларда юзага келиши мумкин.

Вирусли А гепатити учун мавсумийлик (касаллик йилнинг совуқ фаслларида) кўтарилиши хосдир.

Вирусли В гепатитларининг келиб чиқишида қон ва унинг препаратларини даволаш мақсадида нотўғри ишлатиш асосий сабаб бўлади. Бундан ташқари, касалликнинг ўзаро мулоқот, жинсий алоқа орқали ҳам юқиши исботланган.

Кейинги йилларда вирусли В гепатити қўзғатувчисининг ҳомиладорлик пайтида ҳомилага ўтиши мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумотлар пайдо бўлмоқда. Вирусли гепатитларнинг ушбу тури билан асосан бир ёшгача бўлган болалар ва катталар оғрийдилар. Ушбу хасталик учун мавсумийлик хос эмас. Вирусли В гепатити қон ва қон препаратлари билан хизмат вазифаларига кўра мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари орасида ҳам кўпроқ учрайди. Унга вирусли А гепатитидан фарқли равишда инфекцияда касаллик қўзғатувчиси бўлмиш вирусни узоқ муддат (сурункали тарзда) ташиб юриш ҳам хосдир.

Вирусли А гепатитининг олдини олишда аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир болалар муассасаларида қайнатилган сув, етарли миқдорда стаканларнинг бўлишига эътибор бермоқ зарур. Айтиб ўтилган ташкилотларда болаларнинг ва хизматчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишларини қатъий назорат қилмоқ зарур. Болалар муассасаларига янги қабул қилинаётган ҳар бир бола юқумли касалликлар билан оғриган беморлар билан мулоқотда бўлмаганликлари тўғрисида маълумотномага эга бўлиши керак. Ясли ёки боғчага сабабсиз келмаган болалар шамоллаш ва овқатдан заҳарланиш аломатлари билан шикоят қилсалар, албатта, вирусли гепатитлар борйўқлигини ҳам текшириб кўриш керак. Бемор топилган касаллик жойидаги бошқа шахслар 35 кун давомида кузатув остида бўлишлари шарт. Касалликнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш учун аниқланган беморлар зудлик билан бошқалардан ажратилиши зарур. Касалликнинг олдини олишда беморлар топилган жойларда ҳар кунги ва якунловчи дезинфекция тадбирларини ўз вақтида амалга оширишнинг аҳамияти катта. Сўнгги йилларда гепатит А ни олдини олиш учун махсус зардобли иммуноглобулин билан мавсумдан олдинги профилактика тадбирларини қўллаш ижобий самара бериши аниқланган.

Вирусли В гепатитининг профилактикасида ушбу касалликка қон топширувчи шахсларни доимий равишда текшириб туришнинг аҳамияти катта. Айтиб ўтилган хасталиклар билан оғриган ва бу касаллик қўзғатувчиси бўлмиш вирусларни ташиб юрувчи шахслар қон топширишдан четлаштириладилар. Қон ва унинг препаратларини фақат ҳаётий кўрсатмалар асосида қўллаш талаб этилади. Донорлар вирусли гепатитлар билан оғриган беморлар билан мулоқотда бўлмаганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлсалар, уларга қон топширишга рухсат этилади. Вирусли гепатитлар билан оғриган ҳамма шахслар поликлиникалардаги юқумли касалликлар хоналарида диспансер кузатувида бўлмоқлари лозим. Вирусли В гепатити билан оғриган болалар лозим бўлган тақдирда санатория типидаги болалар муассасаларида даволанишни давом эттиришлари керак.

Вирусли гепатитларнинг олдини олишда аҳоли орасида кенг тушунтириш тадбирларини олиб боришнинг аҳамияти катта.

Сўнгги йилларда вирусли А ва В гепатитларининг олдини олишда кўп мамлакатларда самарали натижа берган вакцина (эмдори) билан профилактик эмлаш тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда. Зеро, дард юқмасидан олдин унинг олдини олиш энг тўғри йўлдир.

Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори

ТАҲЛИЛ: РАҚАМЛАР, КАМЧИЛИКЛАР, ВАЗИФАЛАР

Инсон саломатлиги унинг барча жисмоний ва руҳий ҳатти-ҳаракатларини у ёки бу тартибда бошқариб туради. Ўқувчи гарчи аълочи бўлса-да, ўзининг носоғлом ҳолатида фанни тўла ўзлаштиролмайди. Бу тажрибадан ўтган ҳулоса. Хўш, агарда касаллик ёппасига бутун бир синф ёхуд мактабни қамраб олса-чи? Бунда вазият янада кескин тус олади. Афсуски, ўтган 1997-1998 ўқув йилида вирусли гепатитлар бўйича юртимизда анча жиддий ва нохуш ҳолатлар юзага келди.

1996 йилда интенсив кўрсаткич 322,0 ни, 1997 йилда у икки баробарга ортиб, 608,3 фоизни ташкил этди. Касалликлар ўсиши асосан вирусли гепатитнинг А тури билан боғлиқ бўлди.

Келинг, биз Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида бу вазиятни чуқурроқ таҳлил этайлик.

Касалликнинг энг юқори кўрсаткичлари, асосан, Тошкент шаҳрида, Наманган вилоятида, Фарғона ва Тошкент вилоятларида қайд этилди.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида ҳам вирусли гепатитлар билан касалланиш Тошкент шаҳрида, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларида республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлди. 1996 йилнинг шу давридагига нисбатан 1998 йилда 100 минг аҳолига 59,6 га ортди, яъни касаллик 1,7 марта кўпайди.

Иммунофермент таҳлилларидан аниқланишича, республикамизда вирусли гепатитнинг 5 тури (ВГ «А» - 43,1%, ВГ «В» - 39,3%, ВГ «С» -9,0%, ВГ «Е» - 4,4%? ВГ «Д» - 43,1%) тарқалган. Айни пайтда касалликнинг А ва В турлари кўплаб қайд этилмоқда. Уларнинг юқиш йўллари ҳам турлича. Масалан, вирусли гепатит «А» сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший мулоқот йўли билан юқса, вирусли гепатит «В» эса фақат парентал йўл билан юқади. Бу ҳолат эпидемик жараённинг ҳам турлича ўтишини тақозо этади. Юқорида номлари зикр этилган шаҳар ва вилоятларда аксарият ҳолларда овқатланишни меъёрида ташкил этмаслик, санитар жиҳатдан ишончсиз бўлган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш, касалликнинг томир отишига сабаб бўлди.

Республикада санитария-эпидемиология тизимида ҳамма-си бўлиб 242 нафар болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича санитария шифокорлари фаолият кўрсатаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Мамлакатимиз юқори даражадаги тиббиёт олийгоҳларига эга бўлган ҳолда республика бўйича махсус соҳа шифокорлари билан таъминланиш 57 фоиз, холос. Тиббий шохобчалари бўлмаган ўқув-тарбия муассасаларининг сони республикамизда 3304 тани ташкил этади.

1997 йилда умумий вирусли гепатит «А» билан оғриган беморларнинг 85% ини, вирусли гепатит «В» нинг эса 61,4% ини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади (!). Бу ҳолат бугунги кунда ҳар бир мактаб раҳбаридан тортиб оддий ўқитувчигача сабоқ бўлиши керак. Токи бундай вазиятга қайта йўл қўйилмаслиги керак.

1997 йилда болалар ўртасидаги касаллик 1996 йилга нисбатан 2,3 баробар (548,9-1248,3) ортди. 1998 йилнинг ўтган 4 ойи давомида 1997 йилнинг шу даврига нисбатан эса 2,1 марта (134,2 дан 287,6 га) кўпайди.

Ташвишли жиҳати шундаки, вирусли гепатитлар билан касалланиш 7 ёшгача бўлган болалар орасида 15 ва ундан катта ёшдаги аҳолига нисбатан 10-20 барабар юқорилигича қолмоқда. Бу аянчли аҳвол кун келиб ёш авлодда сурункали жигар хасталигининг кўпайишига, уларни ишга яроқсиз, ногирон бўлиб қолишларига олиб келиши мумкин.

1998 йилнинг ўтган 4 ойи давомида 14 ёшгача болаларда вирусли гепатитлар билан касалланиш Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятларида республиканинг ўртача кўрсаткичидан 1,5-8 баробаргача юқори бўлди.

Касаллик тарқалишининг бош омиллари мактабларда:

- тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлиги;
- мавжуд санитария-техника жиҳозларининг санитария талабларига жавоб бермаслиги, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш учун шароитнинг етишмаслиги;
- синфда ўқувчиларнинг меъёрдан ортиқ бўлиши;
- санитария-гигиена, дезинфекция ва эпидемияга қарши режимларга тўла амал қилмаслик;
- муассаса ходимлари, ўқувчилар ва тарбияланувчиларда юқумли касалликлар шахсий гигиена қоидалари бўйича санитария маданиятининг етарли эмаслиги, фақат вирусли гепатитларгина эмас, балки бошқа юқумли касалликларни ҳам болалар ўртасида кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Республикадаги мавжуд мактабларнинг атиги 56%и санитария талабларига жавоб беради, холос. Бу кўрсаткич Қашқадарё, Андижон ва Хоразмда 2,5-2,9% ни ташкил этишини ушбу жойлардаги масъуллар боланинг тақдири, унинг соғлиги ва келажагига нисбатан бефарқ, беэътибор қараётганидан далолатдир, дея изоҳласак тўғри бўлади.

Ўқув-тарбия муассасаларининг водопровод суви билан таъминланиш даражаси ҳам аянчли аҳволда. Республикада фақат 16% мактаблардагина канализация мавжуд. Ана шу арзимас фоиз ҳам вилоятларнинг айримлари - Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Хоразмда 2-6% ни ташкил этади, холос.

Айни пайтда республика таълим муассасаларининг 3035 тасида, жумладан, Бухорода 321, Қорақалпоғистонда 416, Қашқадарёда 522 тасида умуман водопровод суви йўқ.

Республика бўйича 15% мактабларда синф ўқувчиларининг сони меъёридагидан кўп. Бу ҳол Самарқандда 32%, Жиззахда 29%, Наманганда 20% ни ташкил этади.

Яна рақамларга мурожаат этишда давом этамиз. Тошкент вилоятидаги аксарият мактабларда вирусли гепатит қайд этилди. Шу ўринда вилоят халқ таълими бошқармаси масъулларига бир-икки савол: пойтахтга ёндош туман ва шаҳарчаларда, қишлоқларда аҳвол нега бунчалик кескинлашди? Бу йил ҳам аҳвол шундай давом этадими? Ўтган йилги камчиликларни йўқотиш бўйича қандай конкрет ишлар амалга оширилди?

Республика бўйича тарбия муассасаларининг атиги 41,4% и санитария талабларига жавоб беради. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида - 37,7%, Андижонда 24,3%, Қашқадарёда 34,3%, Самарқандда 26,2%, Навоийда 31,4% ни ташкил этади.

Болалар тарбия муассасаларининг қолган 58,6% и умуман санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги ҳисобига вирусли гепатит касаллиги борган сари урчиб бормаяптимикин?!

Ҳурматли боғча ва мактаб раҳбарлари, сиз ўз муассасангизда ушбу кўзга кўринмас касалликнинг олдини олиш борасида қандай профилактик ишларни бажардингиз? Ёки вирусли гепатитнинг куз-қиш ойларида кўпайишини билганингиз ҳолда «юқори»дан кўрсатма ва буйруқлар кутиб яшаяпсизми? Яхшиси, сизнинг муассасангиз юқоридаги салбий рақамларга қанчалик «улуш» қўшаётганини аниқлаб олиб, касалликни тузатишни уйлаганча, тезда унинг олдини олсангиз, яхшироқ бўларди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

МАКТАБЛАРДА НИМАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ҚУВВАТИГА ҚАРАБ МЕБЕЛЬ ВА БОШҚА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ТАБЕЛИ

№	Жиҳоз ва мебелларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Мактаб биноси тури (синфлар сони) 4	7	13	18	22	33	44	Эслатма
1.	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.	2 ўринли синф парталари	дона	53	73	73	73	146	219	292	Ўқувчилар сони ҳар синф ўқувчилари 30 нафардан кўп бўлиши мумкин эмас
2.	2 ўринли мактаб столи ва ўтиргичи билан комплекти	-	-	84	170	221	243	335	427	-
3.	Физика хонаси учун мебель комплекти	-	-	20	20	20	40	40	40	-
4.	Биология лаборатория учун мебел комплекти (2 ўринли стол ва 2 та стул	-	-	-	20	20	20	20	40	-
		-	-	-	-	-	-	-	-	-
5.	Тасвирий санъат ва чизмачилик хонаси учун 1 ўринли комплект	-	-	-	40	40	40	40	40	
6.	Намойиш столи	-	-	2	3	3	3	3	5	
7.	Синф тахтаси (3000х1000)	-	3	10	11	12	15	19	23	-
8.	Синф тахтаси -экран(1000х1000 ўлчами) магнит билан ишлатиш учун ўқув қуроллари учун	-	1	1	1	1	2	3	4	-
9.	Синф тахтаси (4500х1000 ўлчамли) экран ва жадвалларга мўлжалланган 2 яшиги билан	-	1	1	3	4	6	8	12	
10.	Синф тахтаси магнит билан ишлатилган ўқув қуроллари учун	-	-	1	1	1	2	2	2	
11	Кимё лабораторияси учун мебель комплекти (2 ўринли стол ва 2 стули билан)	-	-	20	20	20	20	20	40	
12.	Ўқитувчи учун стол	-	3	21	26	30	34	42	53	
13	Ўқув қуролларини сақлаш учун шкафлар	-	8	12	12	12	24	36	48	
14	Ўқув хоналари учун шкафлар	-	-	4	12	16	16	24	32	
15	Ҳаво тортиш шкафи (лаборатория хонаси учун	-	-	-	1	1	1	1	2	
16	2 эшикли медицина шкафи	-	-	-	1	2	2	2	2	
17	Қоғоз ва папка сақлаш шкафи	3	-	4	7	8	8	12	12	
18	Китоб сақлаш шкафи	-	2	2	2	2	2	2	2	
19	5 секцияли кийим сақлаш шкафи	-	5	5	5	5	5	10	15	20
20	Медицина асбоб-ускуна ва жиҳозлар тиббий тарози	дона	1	1	1	1	1	1	1	1
21	Педаллик челак	дона	-	1	1	1	1	1	1	
22	Бикс	дона	-	1	1	2	2	2	2	
23	Бир телескопик тиш даволаш креслоси	-	-	-	-	1	1	1	1	
24	Рефлектор лампаси	-	-	-	-	1	1	1	1	
25	Сўлак туфлаш учун идиш (стомотология хонаси учун)	-	-	-	-	1	1	1	1	1
26	Бўй ўлчагич (ростомер)	дона	1	1	1	1	1	1	1	
27	Тиббий кушетка	-	-	1	1	1	1	1	1	
28	Гилдиракли стеллаж	дона	-	-	-	1	1	1	1	
29	Стомотология	-	-	-	-	1	1	1	1	
30	Сочиқ осиш учун вешалка	-	5	5	5	5	10	15	20	
31	5 та илгакли вешалка	-	-	8	8	8	8	10	16	
32	Гардероб хонаси учун вешалка Ошхона асбоб ускуналари ва жиҳозлари	-	5	23	32	44	44	81	158	
33	Идиш товоқ ювиш ваннаси	-	-	6	6	8	9	10	10	
34	Картошка тозалаш мосламаси	-	-	1	1	1	1	1	1	
35	Сув қайнатиш электромосламаси 50 литр сувга мўлжалланган 100 литр сувга мўлжалланган	-	-	1	1	1	1	1	2	
36	Совитгич шкафлар: ШХ 0,8 ШХ0, 56 ШХ 1,12	-	-	1 -	2 1	2 1	1 1	1 1	1 - 1	2 - 1
37	Иситгич шкафи	-	-	-	-	—	1	1	1	
38	Электрқуриттичлар	-	-	2	2	2	3	4	4	

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ВА ГИГИЕНИК ХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИ МАНА БУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

№	Хоналарнинг номи	Ўлчов бирлиги Хонанинг майдон юзаси		Санитария асбобларининг сони
1	2	3	4	5
1	Ўқувчилар учун ҳожатхоналар; Қиз болалар учун	Ҳар бир ўқувчи ҳисобига	0.1м2	Ҳар 30 нафар қиз бола учун 1 дона унитаз Ҳар 60 фар қиз бола учун 1 дона умывальник
	Ўғил болалар учун			Ҳар 30 нафар ўғил бола учун 1 дона унитаз 1 дона писсуар. Ҳар 60 нафар ўғил бола учун 1 дона умивальник
2	Мактаб ходимлари учун ҳожатхона ва қўл ювиш хонаси (шахсий фойдаланиш учун)	бир ҳожатхона	3х2	1та унитаз, 1 та умивальник
3.	Аёллар учун шахсий гигиена хонаси	1 хона	3	1 та гигиеник душ, 1 та унитаз, 1 та умивальник
4.	Ўқув спорт залининг ечиниш хоналаридаги ҳожатхона ва душ хонаси	Ҳар бир ечиниш хонаси	2	1 та унитаз, 1 та умивальник, 2 та душ мосламаси, оёқ ювиш ваннаси
5.	Ошхона ходимлари учун 1 ҳожатхона ва душ хонаси хонаси	1 ҳожатхона ва 1 душ		1 та унитаз,1 та умивальник, 2 та душ мосламаси
6.	Мактаб ҳовлисидаги ҳожатхона ва қўл ювиш асбоблари	Ҳар бир ўқувчи ҳисобига	0,1	Ҳар 75 та бола учун 1 унитаз, ҳар бир 60 нафар бола учун 1 та қўл ювиш мосламаси
7.	Мактаб ҳовлисидаги водопровод ичимлик сув фонтанчиги	Ҳар бир ўқувчи қисобига		фонтанчик
8.	Қайнатилган сув сақлаш баки(марказлашган водопровод суви билан таъминланмаган жойларда)	Ҳар бир ўқувчи ҳисобига		Ҳар 120 нафар ўқувчи учун 1 та сув баки
9.	Ошхонага кириш олди жойидаги қўл ювиш асбоби	Ҳар бир ўқувчи ҳисобига		Ҳар 30 нафар ўқувчи учун 1 та Ҳар 40 ўтириш жойига 1 та умывальник

ОВҚАТНИНГ ҲАМ МЕЪЁРИ БОР
МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРИ,ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ НОРМАЛАРИ

Озиқ-овқат маҳсулотлари	Мактабгача ёшдагига	Мактаб ёшидагига
Жавдар нони	90	250
Буғдой нони	150	150
Макарон маҳсулотлари	55	95
Буғдой уни	35	40
картошка	300	400
Сабзавот	400	470
Ҳўл мева	360	350
Шарбатлар	200	200
Қуритилган мева	10	15
Шакар	70	90
Ширинликлар	25	25
Кофе	2	4
Какао	1	1
Чой	1	1
Гўшт	100	100
Парранда	25	30
Колбаса	10	25
Балиқ маҳсулотлари	60	110
Сут маҳсулотлари	550	550
Творог	50	70
Сметана	20	20
Пишлоқ	10	12
Сариёғ	30	35
Усимлик мойи	15	20
Тухум	1 дона	1 дона
Зиравор	2	2
Туз	8	8
Хамиртуруш	1	1
Маргарин	-	-

Изоҳлар:

1.Ёзги соғломлаштириш даврида (90 кунгача) якшанба, байрам ва таътил кунларида овқатланиш харажатларининг амалда қарор топган пул ҳисобидаги нормаси ҳар бир кишига кунига 10 фоизга оширилади.

2.Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган асосий озиқли моддалар бўйича маҳсулотларни алмаштириш жадвалига мувофиқ алмаштиришга рухсат этилади. Овқатлантириш ушбу мақсадлар учун белгиланган маблағлар доирасида ташкил этилади.

Sinab ko'ring

ЎҚУВЧИНГИЗ БЎШ ЎЗЛАШТИРСА...

Ҳаммамизга маълумки, шу кунларда давлатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратмоқда. Президентимиз ҳам мактабларни тугатиб чиқаётган битирувчиларнинг билими саёзлиги, уларда касб-ҳунарга қизиқишнинг пастлиги, тўғрироғи, мустақил фикрлаш қуникмасининг йўқлиги сабабли ҳозирги ёшлар ишлаб чиқаришда иштирок этишда лаёқатсиз бўлиб қолаётганлигини очиниб гапирдилар. Шунингдек, бу соҳадаги жуда катта масъулият ўқитувчилар зиммасига юкланганлиги, шу сабабли муаллимлар келажак олдида чинакам, масъулиятни сезган ва англаган ҳолда меҳнат қилмоғи, изланмоғи лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Хўш, биз педагоглар ушбу катта масъулиятни қай даражада англаб етяпмиз? Бизга касбимизнинг чинакам фидойиси сифатида ҳалоллик билан меҳнат қилишдан бошқа йўл йўқ, деб биламан. Шу ўринда мен ҳам бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ўқувчиларимнинг биринчи маслаҳатгўйи, яқин дўсти эканлигимни чуқур англаб етишга ҳаракат қилаяпман. Агар ўқитувчи ўз касбини севса, фанига қизиқса, виждонан меҳнат қилса, у тарбиялаган ўқувчи шак-шубҳасиз, яхши инсон бўлиб етишади. Бироқ, бундан ташқари ўқитувчи синфда ўқувчиларнинг оилавий шароити, тарбияси, шу билан бирга ўқувчининг соғлиги, муҳити, психологик ҳолати ва бошқа сабабларни сеза олмаса, у кўзлаган мақсадга ета олмайди. Моҳир ўқитувчи эса буларни ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг аъло, яхши, ўрта ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар сонини яхлит аъло ва яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга айлантира олади. Бу осон иш эмас. Ҳозирги кунда кўп тизимли баҳолаш тизими, ноанъанавий услублар кенг тарқалган паллада ўқитувчи асосий роль ўйновчи шахсдир. Мен ҳам бошланғич синф муаллимаси сифатида кўпроқ бўш ўзлаштирадиган, дарсга беэътибор, тез чарчайдиган ўқувчилар билан қандай иш олиб бориш борасидаги тажрибаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиси тўрт йил ичида ўқувчиларни тўлиқ ўқиш, ёзишга, математик тўрт амални қийналмай еча олиш кўникмасига эга қилиши керак. Беш қўл баробар бўлмаганидек, синфда баъзи бир бўш ўзлаштирадиган ўқувчилар бўлиши табиий. Аввалги йилларда мен ўқитган синфда 3 та бола математикадан бўш ўзлаштирарди. Шунда мен бир усулни синаб кўрдим. Бунинг учун дарслардан кейин 25-30 минут вақт ажратиб, бирданига 6 та болани олиб қолиб, қўшимча дарс уюштирдим. Мен қанча уринмайин олти болага ярим соат ичида ҳам ўқишни, ҳам ёзувни, ҳам математикани ўргатишнинг иложи бўлмади.

Демак, бошқача йўл тутишим керак. Ҳафтанинг уч кунини белгиладим ва биринчи кунда фақат ўқишни билмайдиган бола билан машғулот олиб бордим. Бола бўғинлаб ўқий олмаса, бўғинлаб сўзни ўқишга ўргатдим. Бу ишни болалар ўқиш кўникмасига эга бўлгунча мунтазам давом эттирдим. Математик ҳисобни билмайдиган болалар билан ҳам шу тарзда яккама-якка иш олиб бордим.

Аввало, 10 сони ичида қўшиш ва айириш, 20 сони ичида қўшиш ва айириш, 100 сони ичида тўрт амални ўргатишдан бошлагандим. Ўқувчиларим қўшиш, айириш ва кўпайтиришни жадвалдан фойдаланишга ўрганиб олди. Ўқувчиларимда кўп хонали сонларни бўлишда озгина қийинчиликлар сезилиб, бунда менга турли қўлланмалар, расмлар қўл келди.

Азиз ҳамкасблар, иш дастуримиз, мақсадимиз таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳиссамизни қўшиш, ёшларга чин дилдан билим бериш бўлса, унга сидқидилдан ҳаракат қилсак, албатта, мақсадимизга эришамиз. Зеро, келажак бизга катта умид билан қараб турибди.

Мавлуда БОБОНАЗАРОВА,
Нурота туманидаги 6-мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

Халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган ибратли сўзлар бежиз айтилмаган. Зеро, она замин меҳри, эл-юрт ҳурмати инсон олдида турган барча қийинчиликларни бартараф этишда, унинг хайрли ишлари муваффақиятли бўлишида катта ёрдам беради. Ўзбекистондек кенг диёримизда бугунги кунда саховатли, қалби дарё инсонлар кўплаб топилади. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Зиё ота» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Ш.Зиёев ана шундай сахий инсонлар сирасига киради. Яқинда у ўз хўжалигида истиқомат қилаётган 42 нафар кам таъминланган оила фарзандларига таълим учун зарур бўлган ўқув қуроллари ва ота-онасиз 22 нафар ўғил-қизга эса кийим-бош хайрия қилди. Эзгулик йўлида халқ эҳтиромини қозонган фидойи инсон Ш.Зиёевга маҳалла оқсоқоллари ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Суратда: эзгулик дастурхони ҳамиша тўкин-сочин бўлади.

Даврон Аҳмад олган сурат

Ochiq muloqot

ТИББИЁТДАГИ ОМАД ВА ОҒРИҚЛАР

Иссиқ жоннинг иситмаси бор деган нақл халқимизда бугун ёки кеча эмас, минг йиллар аввал пайдо бўлган ҳикмат. Инсон ҳар қанча тараққий этган жамиятда илм-фан, ривожланган даврда яшамасин барибир, тиббий хизматга муҳтождир. Хўш, мамлакатимизда инсон соғлигини сақлашнинг бугунги аҳволи қандай? Уни келажакда нималар кутмоқда.

Узбекистон 1992 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи Давлатлар орасида биринчи бўлиб соғлиқни сақлаш миллий концепциясини ишлаб чиқди. Республикада соғлиқни сақлаш экстенсив ривожланиш йўлидан интенсив ривожланиш йўлига ўтди.

Мамлакатимизда 7 йил аввал 260 минг стационар ўрни бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаттич 45 фоизга камайган. Лекин бу улардан унумли фойдаланишга ва аҳолининг саломатлик кўрсаттичларига салбий таъсир қилмади.

Соғлиқни сақлашдаги ислоҳотлар,асосан,соғлиқни сақлаш ривожини интенсификациялаш ва ресурслардан фойдаланишда янги иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиб, уни ҳаётга кенг қамровда, изчиллик билан жорий этишдан иборат бўлмоқда. Ислоҳотнинг биринчи босқичида доимий стационарлардаги самарасиз ва зарар эвазига ишлаётган касалхона ўринлари қисқартирилди ва улар ўрнига янги прогрессив ҳисобланган тиббий ёрдам шаклларидан кундузги стационар,уй стационари ва амбулатор даволаш марказлари кенг қуламда ташкил этилди. Масалан,айни пайтда республикамизда фаолият кўрсатаётган кундузги стационарлар сони 838 та бўлиб, уларда даволанган беморларнинг сони 269,3 мингга, уйда даволовчи шифохоналар сони 2201 та бўлиб,уларда даволанган беморлар сони 436,1 мингга етди.

Аммо шифокорларни ўзларида ҳам «оғриқли» муаммолар оз эмас. Кейинги вақтларда республикада юрак, ўпка хасталиклари, аллергия билан оғриганлар кўплаб рўйхатдан ўтказилмоқда. Юртимизда 6 ёшли болаларнинг атиги 20 фоизи соғлом холос. Қолганлари эса турли хасталиклар билан касалланганликлари боис 1-синфдан қолдирилди. Ҳомиладор аёлларнинг 55 фоизи носоғлом.

Кеча Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Республика Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов бошлиқ вазирлик раҳбариятининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда шу каби муаммоларга ҳам кенг ва чуқур тўхталиб ўтилди.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этишди.

Норали АСЛОН

Ilmiy-amaliy konferensiya

МАҚСАДИМИЗ - ЭРКИН ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ

Яқинда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари асосида Узбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти мажлислар залида «Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин» республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошев кириш сўзи билан очар экан, ушбу суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида, давлатимиз раҳбарининг чуқур таҳлилга бой фикр-мулоҳазалари ўз аксини топганлигини алоҳида қайд этди.

Конференцияда УзПФИТИ директори Ислом Турсуновнинг « Миллий мафкура - миллатни бирлаштирувчи байроқ», Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бош мутахассиси М.Қуроновнинг «Миллий мафкурани шакллантиришнинг педагогик муаммолари», ТошДУ профессори Бегали Қосимовнинг «Миллий мафкура ва шахс тарбияси», УзПФИТИ бўлим бошлиги Жумабой Раҳимовнинг «Узбек давлатчилиги тарихида мафкура муаммолари», педагогика фанлари номзоди Паёз Мусаевнинг «Таянч ўқув режаларининг миллий мафкурани шакллантиришдаги ўрни», РТМ директори муовини Клара Саидумарованинг «Ўқувчи-ёшлар онгида миллий мафкурани шакллантириш» мавзуидаги маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Маърузаларда шаклланиб келаётган миллий мафкурани таълим-тарбия жараёнига сингдириш, ўғил-қизларнинг тарбияланганлик даражасини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш, ислоҳ қилинаётган таълим тизимида ўқитувчи кадрларни тайёрлашни тубдан ўзгартириш сингари масалалар ҳам кўтарилдики, булар конференция мавзуини янада бойитди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, ушбу конференция педагог олимларимиз олдида ҳали кенг қуламли ва ечимини кутаётган вазифалар турганини кўрсатди. Шулардан бири, суҳбатда алоҳида таъкидланганидек, энг аввало, «Уша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим». Бунинг учун нималар қилмоқ керак? Умуман илмий мактаблар қандай шакллантирилади. Улар қандай усулларга таянади? Қисқаси, бу мавзу келажакда уюштириладиган илмий-амалий анжуманларнинг бош мавзусига айланса, назаримизда, миллий мафкурани шакллантиришнинг педагогик муаммолари тез орада ечимини топади ва уларни педагогик амалиётга жорий этиш йўллари белгилаб олинади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

«УСТОЗ» ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ

Афанди ишдан келса, хотини хўнг-хўнг йиғлаб ўтирган эмиш. Бошидан ҳуши учган Афанди хотинига «нима бўлди?» деса, хотини жавоб бераётган эмиш: «... Ҳали бизнинг ҳам ўғлимиз бўлса, у қулоқсиз чиқса, ҳовузга чўмилгани бориб, чўкиб кетса, нима бўлади?».

Сиз ҳам тағин ушбу мақолани ўқиб, «вой-буй, бунча пулни нима қиламан?» деб ташвишланмангда, аввал яхшилаб...

Келинг, энди гапнинг индаллосини гаплашайлик. Республика Маданият вазирлиги саноқли кунлардан сўнг нишонланадиган «Ўқитувчилар куни» байрами муносабати билан «Ўқитувчилар ва мураббийларни мадҳ этувчи қўшиқлар» республика кўрик-танловини ўтказаяпти. Беллашувда ҳар бир вилоятдан биттадан голиб қатнашиши мумкин.

Ушбу танловда иштирок этмоқчи бўлганларга ҳали фурсат бор. Чунки кўриктанлов 29 сентябргача давом этади-да. Борди-ю, бугунгача ғафлатда қолганлар бўлса, ўз вилоятидаги маданият бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Алқисса, кўрик-танловда битта биринчи ўрин учун 30000 (ўттиз минг) сўм пул ҳамда биринчи даражали диплом ажратилган. Иккинчи ўрин, иккита совриндор учун 20000 (йигирма минг сўмдан), учинчи ўрин, учта совриндор учун эса 10000 (ўн минг) сўмдан пул ажратилган. Бундан ташқари яна учта рағбатлантирувчи диплом, иккита фахрий ёрлиқ ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари ҳам ўз соҳибларини кутаяпти.

Энди сўнгги гапни эшитинг. Танлов «Ўқитувчилар куни» байрами арафасида якунланади. Ва пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида кўрик-танлов иштирокчиларининг ҳисобот концерти бўлади.

Алишер НАЗАР

Qutlov

Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги Камолиддин Беҳзод номидаги мактабда 25 йилдан буён ёш авлодга таълим бериб келаётган онажонимиз Турсуной Ашурова!

Биз сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, соғлик тилаймиз. Бахтимизга омон бўлинг.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз.

Maktab kutubxonasiga

«РАНЖ ва ГАНЖ»

Баҳор фаслида устоди аввал, юксак мукофотлар соҳиби Оқилхон Шарафиддиновнинг 100 йиллиги республика миқёсида кенг нишонланди. Юбилейни ўтказиш комиссияси режасидаги барча тадбирлар ўз вақтида бажарилди. Аммо Оқилхон Шарафиддинов ҳақидаги китоб таниқли журналист Султон Акбарий (уни худо раҳмат қилган бўлсин!) томонидан икки йил ичида ёзиб тугатилган бўлса-да, айрим сабабларга кўра китоб юбилей тантанаси кунига қадар босмадан чиқмади. Муаллифнинг ўзи эса китобини кўра олмади...

Устознинг шогирдлари - профессор Озод Шарафиддинов ва адиб Мақсуд Қориевнинг саъй-ҳаракати билан китоб республикамиз мустақиллигининг 7 йиллик байрами арафасида «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босмадан чиқди. Бу китобни менга Оқилхон Шарафиддиновнинг ўғиллари Тўлқинжон байрам совғаси сифатида тўҳфа қилдилар. У «Ранж ва ганж» деб номланибди. Муқова ҳам шунга монанд безатилган. Кўм-кўк осмонда бир туда қалдирғочлар момо қуёш сари интилишиб учишмоқда.

Китобнинг биринчи варағини очдим. Силлиқ қоғоз ортида шоир Султон Акбарийнинг сиймоси акс эттирилган сурати тагига ўз қўли билан ёзилган қуйидаги жумлалар кўзга ташланади: «Қалбимнинг қўрини, ижодимнинг сўнгини биринчи муаллимим, устозим, табаррук инсон Оқилхон Шарафиддин ўғилларининг ҳаёти ва иш фаолиятларини ёритишга бахшида этаман».

Султон Акбарий ўз ваъдаси устидан чиқди, касал бўлишига қарамай, сўз жавоҳирларини бирма-бир тера билди. Сирасини айтганда, 9 боб (9 фасл, 130 бет) дан иборат китобни яна қайтадан ўқиб чиқишга аҳд қилдим. Чунки китобда магзи тўла фикрлар, биз эшитмаган гаплар бисёр экан. Асарни ўқиб чиққач, менда қандайдир ҳаяжонли фикрлар, тушунчалар ўз-ўзидан пайдо бўла бошлади. Илгари ҳам ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари ҳақида ёзилган рисолалар, китобларни кўп ўқиганман. Аммо Султон Акбарий ёзган бу китоб ўзига хос бир олам экан. Хуллас, китобни ўқиган киши олам ичида олам борлигига иқрор бўлади.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

ЎҚИТУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган лицей ўзбек хўрўҳларига она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, рус гуруҳларига иқтисод, математика, физика, биология фанларини ўқитиш учун танлов асосида малакали мутахассисларни қабул қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Решетов кўчаси, 4-уй.
Телефон: 75-93-12.
20, 35-автобусларнинг ЎзДЖТУ бекати.

O'zbek maktablarining 5-sinf ona tili dasturi materiallarining o'quv soatlariga taxminiy taqsimoti

5- sinf – 202 soat, 1 chorak – 54 soat

O'quv yili boshida takrorlash – 14 soat.

Kirish – Til – kishilarning muhim aloqa vositasi (2-mashq) – 1 s.

O'qituvchi mazkur mavzuni tushuntirishga kirishishdan avval o'quvchilarni 1- marta yangi alifboda nashr qilingan Ona tili darsligi bilan tanishtiradi. Bu kitobni tilshunos olimlardan professor (bu so'zni xattaxtaga yozib qo'yib) Mazluma Asqarova hamda Karima Qosimova yozishganini aytadi. So'ng darslikdagi «O'qituvchi» nashriyotining aziz bolalarga yozgan murojatini o'qib beradi. So'ng dars mavzusini tushuntiradi.

Shu darsning ikkinchi qismida o'qituvchi O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin (1991 yil 31 avgust) Respublikamizda 1993 yil 2 sentyabrda «Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy qilish to'g'risida» qonun qabul qilinganligini aytadi. Oquvchilarga yangi o'zbek alifbosi ifodalangan ko'rsatma qo'llanma – jadvalni ko'rsatib, o'zbek yozuvida 29 ta harf va 3 imlo belgisi qo'llanilishini aytadi. O'zbek adabiy tilidagi 3 nutq toyushi maxsus harflar bilan emas, harflar birikmasi (sh, ch, ng) tarzida berilishini tushuntiradi. Alifbodagi har bir harfning 4 xil shakli, ya'ni yozma va bosma, kichik va katta (bosh) xarflar borligini xattaxtadaga yozib ko'rsatadi.

Kiril alifbosidagi я harfli so'zlarning yangi o'zbek alifbosida yozilishi (yaxshi, uyat, noyabr, oktabr va hokazo) – 1 s.

ю harfli so'zlarning yangi alifboda yozilishi (uyum-uyum paxta, iyun va iyul oylari, kostyum va hokazo – 1s.

ё harfli so'zlarning yozilishi (Yodgor, quyon, zayom,kleyonka va hokazo) – 1 s.

O'tilganlarni takrorlash – 1 s.

e harfli so'zlarning yozilishi (fermer, qayer, atelye) – 1 s.

Tekshiruv diktanti — 1 s. (Diktantdagi so'zlar zoni 90 - 100 bo'lib, mazkur mavzular yuzasidan hozirlanadigan matn terma gaplar va so'zlardan iborat bo'lishi hat mumkin).

Tekshiruv diktantdagi xatolar tahlili – 1 s.

Insho mavzusi va sarlavhasi – 1 s (8-mashq).

ц harfli so'zlarning yahgi o'zbek imlosida yozilishi (sirk, sentner, Seylon choyi, konsert; litsey, militsiya va hokazo) – 1 s.

O'rganilgan imlo qoidalarini mustahkamlash – 1 s.

Rivoya matndagi asosiy fikr, bunday matnlarning sodda rejasi – 2 s. (24-, 33 - mashqlarda berilgan matnlardan foydalaniladi, o'qituvchining o'zi rivoya matnlar tanlashi tavsiya qilinadi.

Sintaksis va tinish belgilar

So'z birikmasi. So'z birikmasiga so'zlarning birikishi – 1 s.

So'z birikmasida bosh so'z va ergash so'z – 2 s.

So'z birikmasini tahlil qilish – 1 s.

Rivoya matnni so'z boshilarga (abzas) bo'lish – 2 s. (49-mashq)

Gapning maqsadga ko'ra turlari. Darak gap – 1 s.

So'roq gap — 1 s.

Buyruq gap — 1 s.

Gapning maqsadga ko'ra turlarini takrorlash — 1 s.

Qo'shimcha topshiriqli tekshiruv diktanti va uning tahlili – 2 s.

Gap bo'laklari. Ega haqida ma'lumot — 2 s.

Kesim haqida ma'lumot — 2 s.

Ta'limiy to'liq yozma bayon — 1 s.

Gapning ikkinchi darajali bo'laklari. To'ldiruvchi — 1 s.

Aniqlovchi — 1 s.

Hol — 1 s.

Gap bo'laklarini takrorlash — 1 s.

Yig'iq va yoyiq gaplar – 1 s.

Tasvir matn. Narsa - buyum tasviri ifodalangan matnlar – 2 s.

Rasm asosida ta'limiy insho – 2 s. (163 - mashqdagi rasmdan foydalanish mumkin)

Uyushiq bo'lakli gaplar – 1 s.

Uyushiq bo'laklar orasida vergulning qo'yilish va qo'yilmaslik hollari – 2 s.

Undalmali gaplar. Undalmadan keyin yergul yoki undov belgisining qo'yilishi – 2 s.

O'quvchi o'zi turadigan manzilni og'zaki va yozma ifodalashi. Tanish -bilishlarga xat yozish mashqlari – 1 s.

Sodda gap — 1 s.

Qo'shma gap – 2 s.

Taklifnoma yozish — 1 s.

Tekshiruv diktanti va uning tahlili – 2 s.

Eslatma. 1. Yuqorida 54 soatlik rejalashtirish namunasini berdik. O'quv yilining II – IV choraklarida avvalgi yilgi rejalashtirish namunalari asosida ish olib borish tavsiya qilinadi. Ammo bunda 5 sinfda III chorakda 10 soatga mo'ljallangan «Sifat»ni o'tmaslik kerak, chunki yangi tuzilgan ona tili dasturida «Sifat»ni faqat biz sinfda ya'ni VI sinfda o'rganish nazarda tutilgan.

2. 5 sinfda o'quv yilining boshida – takrorlash davrida yuqorida ko'rsatilgan reja asosida ish olib boriladi. Ammo «Ona tili» darsligida bu mavzular uchun mashqlar yo'q. Bunday mashqlarni o'qituvchilarning o'zlari hozirlashlariga to'g'ri keladi.

Bu davrda o'qyvchilarning yangi alifbo va imloda ko'proq o'qish va yozishlari uchun, garchi sinfda o'rganilgan mavzular bilan bevosita bog'lanmasa ham, «Ona tili» kitobidagi 1 – 32 - mashqlarni o'quvchilar uyda, qisman darsda bajarishlariga (o'qish, yozish) erishish kerak, bunda darsning boshlanishida uy vazifasini ko'rish (o'qitish yoki yozdirish) amalga oshirib boriladi.

Yo'ldosh Abdullayev,
pedagogika fanlari nomzodi

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти 1998-1999 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таҳсил олиш учун аспирантурага

қабул эълон қилади:

— педагогика фанлари 13.00.00.
— педагогика тарихи ва назарияси 13.00.01.
— ҳунар таълими назарияси ва методикаси 13.00.08.
— меҳнат ва ҳунар таълими назарияси ва методикаси 13.00.02.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва хорижий тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ўз касбий соҳалари бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар, шу йили олий ўқув юртини тугатганлар эса, олий ўқув юртининг илмий кенгашлари тавсияларига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида институт директори номига ариза;

Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;

Таржимаи ҳол, чоп этилган мақолалар рўйхати ёки реферат;

Олий ўқув юртини шу йили битирган ёш мутахассислар учун илмий кенгаши йиғилиши баённомасидан кўчирма;

Меҳнат дафтарчаси (сиртқилар учун кўчирма);

Икки дона сурат (3х4 ёки 5х6 ҳажмида) ;

Номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, 2.2 шаклда гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй, ин:700000
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти аспирантура бўлими.
Факс: 136-22-12.
Телефон: 136-23-27.

1994 йил

Чак Адамс (АҚШ)

1995 йил



Карим Аламий (Марокаш)

1996 йил

Феликс Мантийя (Испания)

1997 йил

Тим Ҳенман (Буюк Британия)

1998 йил

???

«АТР – Tour»нинг маъноси нима?

(АТП – Тур)нинг ташкил этилганига 25 йил тўлди. У 1972 йил «Теннис ўйинчиларининг ассоциацияси» номида ташкил этилган бўлиб, кейинчалик профессионал теннисчилар ассоциацияси (ПТА) сифатида қатор турнирлар уюштириб ном таратди.

ПТАнинг жаҳон бўйича ҳар йили 77 турнири ўтказилади. Узбекистон Президенти кубоги ушбу 77 турнирларнинг ўзига хос жавҳари сифатида ўрин олди. ПТА - Тур халқаро эркаклар профессионал теннис турнирининг бошқарувчисидир. ПТА нинг ижрочи директори – Марк Майлс бўлиб, унга шунингдек ўйинчилар кенгаши ва турнир кенгаши киради.

ПТА - Тур ва унинг 77 турнири уч ҳудудга бўлинади.

1. Америка бош идораси Флориданинг (АҚШ) Понте Верде Бич шаҳрида жойлашган.

2. Европа - бош идораси Монте Карлода.

3. Халқаро Гуруҳ - бош идораси Австралиянинг Сидней шаҳридадир.

Жорий йилда 77 турнинг 46 таси ўтказилди. Уларнинг 11тасида қатнашган дунёнинг биринчи ракеткаси Пит Сампрас (АҚШ) уч бора ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ракетка Марсело Риос (Чили) ўз ҳисобига эса энг кўп — 5 ғалабани ёзиб қўйган.

Англиялик Грег Руседски мазкур турнирларнинг «энг қаттиқ зарбали» ўйинчиси сифатида танилиб қолди. У берган зарбанинг тезлиги соатига 228 км дир. Бу тезлик ҳам теннис тарихида кўрилмаган эди. Грег Руседски кучли бешликдан ўрин олган.



Ҳаяжонга тўлган корт. Очилиш маросимидан лавҳа

Соврин – ярим миллион АҚШ доллари

Ўтган йили Президент кубогининг соврини – 125 минг АҚШ доллари миқдорида эди. Бу йил соврин миқдори ярим миллион АҚШ долларига кўтарилди. Бу жуда катта совриндир.

Юқорида катта теннисниг соғликка фойдаси, халқлар дўстлигига қўшадиган ҳиссаси ҳақида гапиргандик. Теннис даромад манбаи ҳам ҳисобланади.

Мусобақада қатнашаётган Евгений Кафелниковнинг умумий ютуқ пули 9.604.741 АҚШ долларини ташкил этади. Марк Россеники эса 4.681.550 АҚШ доллари, Тим Ҳенманники эса 1.828.358 АҚШ доллари миқдорридадир.

Қуръа ташлашда космонавтлар қатнашдилар

Мусобақанинг очилиш маросимидан бир кун аввал пойтахтнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, «АТР - Тоир» нинг расмий вакиллари, Ўзбекистон теннис федерациясининг раҳбарлари, таниқли теннисчилар Марк Россе, Марат Сафин, Олег Огородов, шунингдек, космонавтлар ва албатта, журналистлар иштирок этдилар. Қуръа натижаси — 1/32 босқичи учрашувларини белгилаб берди. Бу босқичда ўзбекистонлик тўрт ўйинчи қатнашадиган бўлди . Ҳамюртимиз Олег Огородов (Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси) исроиллик Леви Ҳарел билан, Темур Ғаниев россиялик кучли ўйинчи Марат Сафин билан, Вадим Куценко франциялик (дунёнинг 17-ракеткаси) Седрик Пиолин билан ва Дмитрий Томашевич франциялик Эскуде Николас билан учрашадиган бўлишди.

1/32 БОСҚИЧ ЎЙИНЛАРИ

Душанба ва сешанба кунлари турнирнинг 1/32 босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Газетага имзо чекиш арафасида қуйидаги 1/16 босқичда иштирок этадиган ўйинчилар маълум бўлди.

Наинкин Давид Лионелни (3/6,6/2, 6/3) мағлубиятга учратди. ЖАРлик яна бир теннисчи Годвин Невиллендан аргентиналик Этлис Гастон устун келди (2/6, 6/4, 7/5). Белорусиялик Владимир Волтчков Приносил Давидни (Германия, 6/4, 4/6, 6/4) мағлуб этди. Шунингдек бошқа ўйинларда ғолиб чиққан Тойлемен(Италия), Вассен, Счалкен (Нидерландия), Ран(Исроил) ва мазкур турнирнинг чемпиони англиялик Тим Ҳенманлар 1/16 босқичига кўтарилдилар. Ҳамюртимиздан яна бири Дмитрий Томашевич франциялик теннисчи, дунёнинг 39-ракеткаси Николас Эскудега ютқазиб (3/6, 3/6) қўйди. Ўйинлар кечгача давом этди.

Темур Ғаниев — 0
Марат Сафин — 2

Юртдошимиз Темур Ғаниев ва россиялик Марат Сафин очилиш маросимидан кейин кортга тушдилар. Спортда омад деган гап бор. Лекин бунда Темурга омад кулиб боқмади, десак хато қиламиз. Омад кулиб боқиши учун маҳорат ва тажриба зарур. Тажриба борасида ҳам, маҳоратда ҳам ёш россиялик Марат Сафиннинг қўли баланд келди десак адашмаган буламиз. Унинг зарбалари жуда кучли, жисмонан ҳам бақувват. Булар тинимсиз ва машаққатли машқларнинг натижасидир. Умуман олганда айрим мутахассислар М.Сафинни кубокка даъвогарлардан бири сифатида қарашмоқда.

Ёш, бўлажак теннисчиларимиз бу турнирдан катта сабоқ чиқара билишлари даркор. Зеро, бунда юрт шаъни бор. Қолаверса, шахсий ҳаётларида асқотадиган нарса - пул мукофоти бор. Чунки, теннис - даромад манбаи ҳисобланади. Бу долларлар ўзбекистонликка насиб этса фуқароларимиз бойимайдими?



М. Сафин



Т. Ғаниев

«ЖУРНАЛИСТЛАР – ХАЛҚНИНГ КЎЗИ ВА ҚУЛОҒИ»

Бу сўз ҳар бир матбуот конференциясида ташкилотчилар томонидан бот-бот тилга олинмоқда. Негаки, ҳар бир воқеани журналистларгина халққа тўғри етказадилар, унинг довруғини дунёга ёядилар. Камчиликларни ёритиш эса,келгусидаги ишларга сабоқ вазифасини ўтайди.

Мазкур турнирда дунёнинг жуда кўплаб ахборот агентликлари, телевидение, радио ва газеталарнинг мухбирлари иштирок этмоқдалар.

Журналистлар учун махсус матбуот хизмати йўлга қўйилган. У ердан хоҳлаган пайтда журналистлар маълумот олишлари, ўйинлардан кейин хоҳлаган ўйинчини матбуот конференциясига таклиф қилишлари мумкин.

Шунингдек, бу турнирда ҳам ўтган йилдагидек журналистлар ўртасида мусобақа ўтказиладиган бўлди.

М. Россе



О. Огородов

ҲИСОБГА ОЛИНАДИ, ДЕГАН УМИДДАМИЗ...

Ўзини ҳурмат қила оладиган инсонгина ўзганинг қадрига етади. Шу боис очилиш маросимидаги кичик камчиликнинг келгусида олди олинса мақсадга мувофиқ бўларди. Бунга ўзимиз айбдормиз, шекилли...

Нега ўзимиз? Негаки ҳакамлар юртимиз, тилимизга ҳурмат юзасидан саноқларни аввал ўзбек тилида айтишиб, кейин халқаро тил — инглиз тилида такрорлашади. Очилиш маросимида қатнашувчиларни таништиришда инглизча ва русчаси тиниқ ва жаранглаб чиқди. Бироқ ўзбекчасига келганда жаранг ўрнига ўзбекчага тили зўрга айланадиган кишининг ғулдираб уқиб берган овози чиқди. Ўқиганда ҳам нотўғри(хато таржима қилишган) ўқиди. Овози жарангдор диктораримиз борку. Бу, албатта, келгусида ҳисобга олинади деган умиддамиз.

Ҳ. ОМОНОВ

«Ялла» теннисчиларни қутламоқда. Суратларни Ш. Зуфаров олган.

Xullas...

БИР-БИРИГА ЗИД

Сувда ҳаёт кечирувчи дельфинлар ғаройиб хислатлари билан одамзотни лол қолдиради. Америкалик олим Дэн Вагнер улар билан боғлиқ аломат ҳодисани кузатди. Денгизнинг бу улкан жонзотлари классик оҳанглар ишқибозидир. Бах музикаларининг сирли ва сеҳрли оҳанги туфайли дельфинларнинг инсонга меҳр-муҳаббати янада кучаяр экан. Рок эса дельфинларда саросима уйғотади...

Дэн Вагнернинг ҳамкасби швед олими Ларс Кнутсоннинг таъкидлашича, баъзи бир ҳайвонларга рок музика сарғдек ёқиб тушар экан. Дельфинларни ром этган Бах куйларини эшитганда бу хил жонзотлар асабийлашиб, жазавага тушиб, ўзларини ҳар томонга отишлари, ҳаттоки бир-бирлари билан олишиб кетишлари кузатилган. Кўп йиллик тадқиқотлар олиб борган Кнутсон уларнинг чўчқалар эканлигини исботлади. . .

ОМОН ҚОЛГАН ОШИҚЛАР

Севги-муҳаббат деганлари одамни не кўйларга солмайди? Айниқса, биринчи муҳаббат... Юрак ўртанса-ку майлия, тўқнашув бўлгани ёмон!

Новосибирсклик Александр Комаров ўзининг биринчи муҳаббати Светланани учратиб қолди, яъни сўнган чўғ қайтадан аланга олди. Лекин севгилиси ёлғиз эмас, эгали. Қайлиғи Роман Стаднюк кўзига бало-қазодек кўринди.

Гапнинг индооллоси, икки ошиқ дуэлга чиқиб, орани очиқ қилмоқчи бўлдилар. Қуроллар замонавий, XX асрга мос, бирида ов милтиғи, иккинчисида карабин. Секундантлар ҳам тайинланди. Рақиблар бир-бирларидан 40 қадам санаб узоқлашдилар. Ўқ узилди. Бахтга қарши, романтик жанр ишқибозлари енгил жароҳат олишди. Қаллиқ қай бирига бўлсин? Қиз бечора оқилона йўл тутиб, иккаласидан ҳам воз кечди.

ЁНҒИНДАГИ «СПЕКТАКЛЬ»

Таллин шаҳридаги хонадонлардан бири олов ичида қолди. Ўт ўчирувчилар ҳозиру нозир бўлишди. Оломон ҳайрон. Улар машҳур қизиқчилар гуруҳи «Маски шоу»ни эслатишар, сув пуркагичларни ёнғинга тўғрилай олишмас, ўзлари эса у ёқдан, бу ёққа тентирашарди. Олов олов-да, борган сари ён-атрофга ёйилиб борарди.

Ўт ўчирувчиларнинг нега имиллашгани кейинчалик маълум бўлди. Ёнғиндан сал олдинроқ олов билан олишувчилар «отиб» олишган экан. Зудлик билан ўт ўчирувчиларнинг бошқа бригадаси етиб келмаганида нима бўлишини худо биларди?

ana shunaqa gaplar...

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси жамоаси шу бошқарма бошлиғи Ҳ. Қ.Йўлдошевга укаси Геннадий Маҳмудович ҚИРҒИЗОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М.Улуғбек номидаги ТошДУ касаба уюшма қўмитаси тарих факультети профессори Г.А.Хидоятовга онаси Сора ая ЭШОНТЎРАЕВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

ЮРТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ

Тайванда ўтказилган Осиё чемпионатида ёш боксчиларимиздан Шерзод Ҳусанов (67 кг) олтин медални қўлга киритди. Александр Анфимов (60 кг), Акмал Арслонов (71 кг), Музаффар Соипов (81 кг) иккинчи, Баҳит Сарсенбоев (51 кг), Иброҳим Эгамов (63,5 кг) ва Қаҳрамон Ҳасанов (75 кг)лар учинчи ўринларни эгаллашди.

САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Велосипедда саёҳатга отланган жаҳонгашта спортчимиз Мурод Қосимов Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилояти йўлларини забт этди. Вилоят марказларида уни тантанали кутиб олишиб, эзгу ниятлари йўлида зафар тилаб қолишяпти.

ҲАЛ БЎЛАЙ ДЕБ ҚОЛДИ

Футбол бўйича биринчи табақа жамоаларининг мамлакат чемпионатини якунлашларига ҳам 9 тур қолди. Олий табақага бериладиган икки йўлланма тақдири ҳозирданоқ ҳал бўлди ҳисоб. Рақибларидан анча илгарилаб кетган «Янгиер» ва «Самарқанд» жамоалари энди ўз имкониятларини қўлдан чиқаришмаса керак.

АЛМАШТИРИШНИ МАЪҚУЛ КЎРДИ

Голландиялик маҳоратли ҳужумчи Патрик Клюйверт жамоасини ўзгартирди. У 13,8 миллион доллар эвазига Италиянинг «Милан»идан Испаниянинг «Барселона»сига ўтди. Италияда ўзини кўрсатолмаган футболчи янги жамоада анча-мунча ишлар қилишга ваъда берди.

ОМАД БИР КЕТМАСИН ЭКАН

Машҳур боксчи Майк Тайсондан бирмунча вақт бўлдики, спортда омад юз ўгирди. Бу ҳам етмагандек, ҳаётда ҳам унинг омади юришмайроқ турибди. Яқинда у автоҳалокатга учради. Ҳайриятки, жароҳати унчалик оғир эмас экан.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00. Г. 123456